



Илк бор Масжидул Аксо қачон ва қандай қурулгани ҳақида тарихий саналарни кўрсатадиган ва масжидни сифатлайдиган аниқ бир маълумотлар йўқ. Лекин, у Каъбадан қирк йилдан кейин қурулган ер юзидаги иккинчи масжид экани ҳақида аниқ саҳиҳ ҳадис келган. Абу Зар розиаллоҳу анҳудан, айтадики: «Ё Расулаллоҳ, ер юзига энг биринчи қайси масжид қурулган? - дедим. У киши: «Масжидул Харом», дедилар. Яна айтдим: кейинчи? У киши: «Масжидул Аксо», дедилар. Айтдим-ки: Иккаласининг орасида қанча (вақт) бўлган? У киши: «Қирк йил», дедилар».(Бухорий, 3366. Муслим, 520)

Аммо, Аксони илк бор қим қурганлиги ҳақида уламолар ўртасида ихтилоф бор. Баъзилар фаришталар деган, яна баъзилар Одам алайҳиссалом, ёки Одамнинг ўғли Шис алайҳиссалом, ёки Нух ўғли Сом, ёки Иброҳим алайҳиссалом, дейилган, ҳуллас мана шундай турли қавллар келган. Қуддус ва Байтул Макдис ҳақида илмий изланиш олиб борган асрдош бўлган ва бу борада мутахассис олимлардан Др. Абдуллоҳ Маъруфнинг

изланишига кўра: «Аксо»ни илк бор Одам алайхиссалом курган, деб айтади. У киши бу сўзни Ибн Аббос розиаллоху анхумонинг сўзларига таяниб айтган ва бу хакида ўз далилларини келтирган.(Абдуллох Маъруф, «ал-Мадхол ила-диросатил масжидил Аксо» китобига қаралсин, 47-67.) Бу хакида илгарирок эса Абул Фароҳ ибнул Жавзий «Тариху Байтил Макдис» ва Ибн Хажар Аскалоний ҳам «Фатхул Борий» китобларида айтиб ўтишган эди.

Одам алайхиссаломдан кейин Масжидул Аксо хакида тарихий маълумотлар мил. ав. 3000 йиллардан токи 1550 йилларгача Қуддусга Ябусийлар келгунга қадар башариятда тарих қайд қилинмаган. Ябусийлар: Сом ибн Нух алайхиссалом авлодининг Канъоний қабилаларидан бўлади. Қуддусни илк бино қилган одамлар Ябусийлардир. Улар Қуддусни «Салом Илохига» атаб курганлар ва уни: «Аури Шалим - Дарус Салом» шаҳри, деб номлаган. Баъзи тарихчилар фикрига кўра ҳозиргача Аксо деворларида уларга тегишли тарихий асар-излар қолган. Ана ўша замонларда Иброҳим алайхиссалом Қуддусга хижрат қилган ва масжидни обод қилиб қурулишига ҳисса қўшган ва у ерда намоз ўқиганлари ривоят қилинади. У кишидан кейин ўғиллари Исхок, кейин эса набиралари Ёқуб алайхиссалом ва бошқа авлодлари қелиб зиёрат-ибодат қилишда давом этганлар.

Кейинчалик мил. ав. 1550 ва 1000 йилларда Қуддус ва Масжидул Аксо Мисрдаги Хайкуслар ҳудудига ўтади. Улардан кейин эса у ерларга Фаластиндаги Аъмалико, деган қавм эгалик қилади.

Сўнгра мил. ав. 995 й. Қуддусни пайгамбарлардан Довуд алайхиссалом олади.(Мухсин Мухаммад Солих, «ат-Тарик илал-Қудус», 32) Қуддус, у кишининг даврида қенгайтирилади ва Аксо масжидининг қайта қурулишига ва ободонлаштириш ҳаракатига асос солади.

Довуд алайхиссаломдан кейин ўғли Сулаймон алайхиссалом ҳам бу ишни давом этиб, тахминларга кўра ҳозирги Аксо ҳудудида қурулиш қилиб масжидни обод қилади, ибодат учун бир масжид қуради, ҳадиси шарифда шундай дейилган: «Сулаймон ибн Довуд алайхиссалом Байтул Макдиснинг қурулишидан фориғ бўлгач Аллохдан уч нарсга сўради: У Зотнинг ҳукмига мувофиқ қеладиган ҳукм, ўзидан кейин бошқа бирортасида бўлмайдиган мулк ва ушбу Масжидга факат намоз учун қелган ҳар бир киши онасидан тугулган қунидай гуноҳлардан қокланиб қикишини».(Ибн Можа, 1408. Насойй, 693.

Аҳмад, 6644) Шундан кейин Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам яна айтади-ки: «Аммо, иккитаси албатта берилди, учинчиси ҳам берилишини албатта умид қиламан».

Яҳудийлар мана шу Сулаймон алайхиссалом курган масжидни: «ибодатгоҳ - маъбад», «Сулаймон хайқали», ёки «Тоғ хайқали», ёки «Биринчи Храм», деб номлайди. Охириги ном қўпроқ машҳур бўлган, у мил. ав. X асрда қурулган эди.

Хайқал даври: Биринчи маъбад...

«Хайқал» яҳудийлардаги истилоҳ, бундан мурод айтиб ўтқанимиздай Сулаймон алайхиссалом қурдирган ибодатхона эди ва уни ҳозирда қўпинча «Биринчи Храм», деб ёдга оладилар. Сулаймон алайхиссалом Бани Исроилга отаси қабир қирк йил ҳукм қилганидан кейин мил. ав. 930 йилда вафот этади. У кишидан кейин Бани Исроил давлати иккига бўлиниб, бири шимолий қисмдаги «Исроил» давлати, иккинчиси жанубий қисмда «Яхуза», давлатига бўлинади. Қуддус шаҳри Фаластин жанубидаги Яхуза давлатининг пойтахти-маркази бўлади. Аллох таоло хоҳлаган вақтгача уларнинг давлати

туради, кейин уларга бобилликлар хужм ва уруш килиш натижасида Сулаймон алайхиссалом подшоҳлик килган вақтдаги пойтахт Куддус ва отаси асослаб берган тарзда курдирган «Биринчи Храмни» мил. ав. 587-586 йилларда бобилликлар тарафидан тор-мор килиб, ёкиб йўқ килиб юборади, деворларини кулатади, хуллас маъбадни ер билан яксон килади, тош устида тош колмайди, Сулаймон алайхиссалом курдирган маъбаддан асар ҳам колмаган, деб тарих китобларида келади.

Иккинчи маъбад: Кайта курулиш...

Яна, Аллох таоло хоҳлаган вақтдан кейин бобилликларни форсликлар енгиб улар эгаллаган ерларга ҳоким бўладилар, мил. ав. 538 йилларда Форс шоҳи Кир II Бани Исроилликларга марҳамат кўрсатиб, улардан хоҳлаганларга Бобилдан Куддусга кайтиб кетишга ва у ерни, маъбадни кайта куриб обод килишга руҳсат беради. Яхудийлардан кўпчилиги Куддусга кайтиб бориб Храмни кайта куради. Маъбад курулиши яхудийлар китобида келишича Довуд алайхиссаломнинг зурриётидан Зораблев томонидан 70 йилдан кейин бошланган, деган нақл бор, яъни мил. ав. 516 йилларда. Бошқа ривоятларга кўра мил. ав. 538-537 йилларда бошланиб токи Форс подшоҳи Доро I замонигача мил. ав. 516-515 йилларда Херадос I даврида якунланади. Яхудийлар уни «Иккинчи Хайкал» ёки «Иккинчи Маъбад», деб номлайдилар.

Юнонликлар:

- Кейинчалик яна замон ўтгач дунёга ҳукмронлик даъвоси билан яна бошқа кавмлар келади, аниқроғи тарихий тартиб бўйича юнонлар келган. Фаластин ҳам бошқа мамлакатлар катори юнонликларга ўтади. Аввал, тахминан мил. ав. 333 ёки 332 йиллар Искандар Макидонийга таслим бўлиб бўйинсунади, унинг замонида маъбадга тегилмаган, деган хабар бор.

Кейин эса Куддус - унинг давомчилари юнон саркардалари Птолемейларга ўтади, унинг даврида Куддус шаҳари вайрона бўлади, кўп одам ўлдирилади: «Аниқки, подшоҳлар агар бир шаҳар-кишлокка кирсалар; уни бузадилар ва ҳурматли бўлган аҳолисини хор киладилар. Ўшандай киладилар». (Намл: 34)

Кейин яна Искандарнинг кўмондонларидан бўлган Салавки I оиласи Су-рияда курган Салавкийлар давлатига ўтади. Юнонликлар ҳукм килган даврда «Иккинчи Храмга» нисбатан юнонча ҳурмат кўрсатишади, баъзан таъмирлаш ишларига ҳомийлик ҳам килишади, одамлар ибодат килади-ган ер экан, деб - билиб, юнонликлар ҳам келиб ўз динларига у ерда ибодат килишади. Хатто улар Храмга ўзларининг фалсафийликка берилган динларини олиб келади, ўзлари илохийлаштирган, худо деб билган Зевс хайкалини маъбадга ўрнатади ва Маъбад ўртасида хатто тўнгиз сўйилади ва яхудийларга ҳаром бўлган гўшти еишга мажбур килади, улардан емай ўлган қахрамонлари ҳам бўлган - Маккабийлар каби. Албатта, динни бузиш, Маъбадни бузишдан ёмонроқ эди. Шу сабаб яхудийлар ўша даврда иккига бўлиниб кетади, юнон яхудийлари ва маккабий яхудийлар.

Искандарнинг икки кўмонданинг бири Сурияда - пойтахти Антокияда, иккинчиси Мисрда - пойтахти Искандарияда курган давлатлар ўртасида келишмовчилик чикиб уруш бошланган вақтда Куддус бир муддат юнонлардан мустақил қолади.

Баъзи, унча кучли бўлмаган яхудийлардаги манбаларга кўра, кейинроқ маккабий яхудийлар Салавкий давлатига якун бериб Фаластиндан уларни чиқариб юборишга эришади, давлатларини мустақил бўлишига ҳаракат килади, мил. ав. 152 йилдан токи

мил. ав. 37 йилларгача турли синовларга хужумларга карамай яхудийларда оз муддат бўлса ҳам, бошқаларга тобеъ бўлган бир неча кичик кироликлар бўлган. Хатто маккабийлар маъбадни қайта қурган, деган эътиқодлари ҳам бор. Лекин бу ривоятлар қучли эмас.

Римликлар:

Аллох таоло одамларнинг баъзиларидан баъзисини устун қилиб дунёда давр сурдиради: «У сизларни ернинг ўрин босарлари қилган ва сизларга берган нарсани сизларни синаш учун баъзиларингизни баъзисидан даражаларини устун қилган, ...», (Анъом: 165) кимларнидур дунё учун, кимларнидур охират учун яшатади... Юнонлардан кейин Римликлар қелгач Фаластин Рим империясига тобеъ бўлиб бўйинсунади, мил. ав. 63 йилларда римликлар Шомга қиради ва Фаластинга хужум қилади, римлик сарқарда Помпей Гней уч ойлик қуршовдан кейин Қуддусни олади ва шу сабаб «Иккинчи Маъбад» қучли қарбалар қўради. Рим империяси ҳукм суришига карамай мил. ав. 37-40 йилда яхудийлар учун римликлар Қуддусга Херадос I ни ҳоким қилиб тайинлайди, баъзи ривоятларга қўра кейин подшоҳ қилиб тайинланади. Қуддусда яхудийлар учун кичик киролик-давлати вужудга қелади, албатта у Римга тобеъ бўлган вилоятлардан бўлади. Херадос I мил. ав. 20 йилларда «Иккинчи Маъбад» биноларини янгилаб тамирлашга тушади ҳамда унинг майдонини қенгайтиради. Хатто баъзилар «Иккинчи Маъбад» эмас «Херадос ибодатхонаси», деб номлайди. Баъзилар вақтинча унинг номи билан номланган, дейди, яна баъзилар эса Херадос I «Иккинчи Маъбаддан» бошқа алоҳида «Херадос ибодатхонасини» қурган ҳам, дейди, яна баъзилар у «Иккинчи Маъбад» номини ўзгаришига йўл қўймаган айни ўша Маъбаддир, бошқа Маъбад йўқ деган, факатгина Иккинчи Маъбадни қайта таъмирлаган, қатталаштирган ва хоказо..., шу гап тўғрлиқ. Энг тўғриси Иккинчи Маъбад қурулишини Херадос яқунлаган эди. Бу ихтилофнинг сабаби; у Қуддусда қўпгина бино қурулишларини олиб қорган, ўз даврида шаҳарни қурилиш билан яхши ободонлаштирган. Жумладан Қуддусдаги дарвозаларидан бири «Бабул Ҳолил - Ҳолил дарвозаси» даги қатта қалъани у қурган эди. Яхудийлар уни «Довуд қалъаси», деб номлайди. (Абдуллох Маъруф, «ал-Мадҳол ила-диросатил масжидил Аксо» қитобига қаралсин, 75-77.)

Херадос I мил. ав. 4 йил охирларида вафот этади. Унинг ўғли Архелай отасининг ўрнига ўтиролмайди, балки Қуддус Сурияга қўшилиб Римга тўлиқ бўйинсунишга мажбур бўлади, лекин Херодаснинг набираси эса Рим императори Қалигул Цезар қарҳамати билан яхудийлар учун қирол бўлади. Яхудийлар тоқи мил. ав. 44 йилгача Қуддусда яхши яшаб қелган эди, илғари сургун бўлган яхудийлар ҳам атрофдан қелиб қиёрат қила бошлаган, Маъбадда ибодат қилиб, диний анъаналарига қўра хутбалар, дарслар қилишар ва байрамларини ўтқазилар эди.

Қейинчалиқ яхудийлар Қуддусда қўп йигилишлар ўтқазиб диний ва рухий қучая бошлагандай бўлди ва орада қутилган Исо пайғамбарни қутган масихийлар қикди, улар Месси қелганда яхудийлар учун янги мустанкил давлат қуради, Бани Исроилни мутолқ озод қилади, у подшоҳ бўлади, деган даъволар билан қовлиқиб қулар эди...

Мил. ав.ги йиллар яқунланар экан, ўша қамонларда Қуддусда Бани Исроилликларга Зақарий ва Яҳё алайҳимассалам билан бирга Исо алайҳиссалом пайғамбар бўлиб юборилади, Исо алайҳиссалом Бани Исроил Римга тобеъ бўлиб турган қамонда таҳминан мил. ав. 4 йилларда туғулган. Демақ, дунёда янги давр, янги ишлар бошланади... Лекин, яхудийларнинг факат баъзилари у пайғамбарларга ишонарди, аммо аксари ёлгонга

чикарган эди, ишонмаганларнинг аксари сургундан кейин Бобилдан Куддусга кайтмаганлар эди. Бу уч пайгамбар, ўз даврларида Байтул Макдисни кўпроқ даъватлари билан обод қилганлар. («Байтул Макдис» номи зикр қилинган, узунроқ бўлган бир хадиси шарифни фойда учун келтириб ўтганмиз, 198 саҳифага қаранг.) Закариё алайхиссалом Яҳёнинг отаси ва Исо алайхимассаламнинг поччаси эди.

Закариё Байтул Макдисда бош хотиб эди. Ўша замонда ҳам кўпчилик яҳудийлар уларни ёлгончига чикарган, Марям ва Исо алайхимассалом уларнинг фитнасидан кўриб Мисрга кочган, кейинчалик катта яҳудийлар Яҳё ва отаси Закариё алайхимассалом ўлимларига ҳам шерик бўлишган, чунки уларнинг ҳақ даъватлари яҳудийларнинг сиёсати ва нафси хавосига тўғри келмасди: «Дарҳақиқат Бани Исроилдан, аниқ аҳду-паймон олган эдик ва уларга расуллар юбордик. Ҳар қачон уларнинг нафси хавоси кўтаролмайдиган нарса билан бир пайгамбар келганда; бировларини ёлгончига чиқариб ва бировларини ўлдирар эдилар».(Моида: 70)

Вактики, Исо алайхиссалом Мисрдан Насоро шахрига қайтиб, кейин у ердан Куддусга келиб даъват қила бошлаган эди ва уларга пайгамбарлиги исботида очик ва қучли мўъжизалар кўрсатди, лекин Бани Исроилдан кўпчилиги уни инкор қилди, ҳатто уни ўлдиришга қасд қилдилар, лекин Аллоҳ Исони сақлади, Ўзига кўтарди, бироқ натижа яҳудийлар учун хунук бўлди, Закариё ва Яҳё алайхимассаламни ўлдиришга сабабчилардан бўлиш ҳамда Исога қасд қилиш қуфр эди, илгари эса Исони инкор қилиш сабаб яҳудийларнинг аксари ўзларига ўзлари зулм қилиб Аллоҳнинг газибига учраган. Аллоҳ таоло яҳудийлар устига қилмишлари сабаб римликларни бало қилиб солди, Рим яҳудийлар учун ҳақиқатдан катта бир бало бўлди...

Мил. 66 йил яҳудийлар «Биринчи яҳудий» урушини эълон қилиб Куддусни мустиқ қилиб олиш учун римликларга қарши кўзғолон бошлайди, уруш бир неча йил давом этади ва мил. 70 йилда Рим уларни тор-мор этади, Куддусни улардан бутунлай олиб қўяди ва яҳудийлар учун азиз бўлган «Иккинчи Маъбад» ҳам бутунлай яқсон қилади, у ерда тош устида тош қолмайди. Яҳудийлар ўлдирилади, қаттиқ жазоланади, дунёнинг тўрт тарафига қувгин, сургун қилинади; Яман, Африка, кичик ва ўрта Осиё, Араб жазираси, Хитой, Оврупа, Шарқий Оврупа, Хиндистон ерларига қўчиб тарқалишади...

Ахир, яҳудийлар аслида римликлар кўрсатган марҳамат эвазига қайта тикланган эди, лекин улар Римга қарши нонқўрлик қилиб уруш очишди, нонқўрлик қилганлари учун Рим ҳам уларни қаттиқ жазолади. Аслида бу - яҳудийлар учун Яҳё ва унинг отаси Закариёнинг ўлдирилишидан ва Исога қасд қилинишидан кейин бошланган балолардан эди. Мана шу ўтмишдан то бугунги кунгача яҳудийлар учун икки унутилмас аламли ва азоблий қуноқлар, ўчмас саналар ҳали хануз юракларида битмас яра, оқар қон бўлиб қолган:

1. «Биринчи Маъбад» қулатилган йил мил. ав. 586-587 йил Бобил подшоҳи Навуходоносор II тарафидан.
2. Мил. 70 йил «Иккинчи Храм» Рим императори Цезар Титос Флави Веспасиан тарафидан қулатилган.

Мил. 130 йилда Рим императори Адриан замонида, тамоман вайрон бўлган Салом шахрига - яъни Куддусга рим маданиятига оид устунларини қурушга амр қилиб, шаҳарга «Илиё Капитолина», деб ном қўяди, кейинчалик шаҳар чиндан «Илиё», деб номлана бошлади, Маъбад ўрнига эса римликлар илоҳийлаштирган Юпитерга атаб майдон қурулади, яҳудийлар учун энг муқаддас бўлган, Сакинот Сандигининг турадиган ўрни бўлган улкан Харсангтош устига эса Адриан хайкали қурулади, яъни хо-зирги Қуббатус

Сахро масжиди ўрнига. Хуллас Масжидул Аксода тавҳид билан ибодат қиладиган бирорта ўрин қолмайди.

Хатто Адриан уларга эркаклари учун хатна-суннат қилишни ва Қуддусга қиришни қиладди. Мана шу сабаб римга қарши яҳудийлар иккинчи бор қўзғолон қиладди мил. 131 йилдан то 135 йилгача 600,000 га яқин яҳудийлар қатл қилинади. Мил. 132 йилда яҳудийлар мустанкил давлат бўлишга эришади, бироқ бу узокка бормайди, икки йилдан кейин 135 йилда римликлар яна уларни енгиб Илйони тамоман эгаллаб олади. Тарихий натижаларга қўра бу қўзғолонларда бир миллион яҳудий ўлдирилади ва шаҳарга экин ўсмасин, деб жуда қўп миқдорда туз сепади. Яҳудийларга шаҳарга қириш умуман қилинади.

Фатра:379 Икки пайгамбар орасидаги вақт!

Исо алайҳиссаломдан кейин тахминан 300 йил ўтган - Рим империяси бўлиниб кетади: Ғарбий Рим империяси, Шарқий Рим ва Шомда Визант империяси. Исо алайҳиссаломдан кейин қўпчилик римликлар Исога -яъни насронийлик динига эргашади. Қуддус Византлар қўлида бўлгани учун; у насроний бир шаҳарга айланади. У ерга «Қиёмат қанисаси», деб қатта бир қаниса қуради. Насронийлар учун у қаниса энг муқаддас қанисадир. Аммо, «Иккинчи Маъбад»нинг ўрни улар даврида қандай бўлса, ўшандай қолади, яъни қаниса у ерга қурулмаган. Яҳудийлар Исо алайҳиссаломнинг пайгамбар эканига ишонмайдилар, балки у қиши ҳақида яҳудийлар: «динни бузган ва бошқа оқимга-динга асос қолган», деб нотўғри эътиқод қиладди, Исо алайҳиссаломни қалақа ва масҳара қилиш яҳудийлар одатига айланади. Лекин Исо алайҳиссалом омматан Бани Исроилга Аллохнинг элчиси бўлиб қелган эди, (Соф: 6) шунинг учун қиши олиб қелган ваҳийга ишонган бўлса Аллох таоло уларни устун қилган: «Бани Исроилдан бир тоифаси (Исога) иймон қелтирди ва бир тоифаси қуфр қелтирди. Қас, иймон қелтирганларга душманлари устидан ёрдам бердик, улар эса устун қелдилар». (Соф: 14. Моиса: 46, 72)

Хижратдан олдин мил. 613-614 йилларда узок вақт давом этган урушдан кейин яҳудийлар ёрдамида Шом, Фаластин ва хоссатан Қуддусни бир муддат яна қосоний форслари Шаҳрибоз бошчилигида эгаллаб олади. Фурсатдан қойдаланиб яҳудийлар Қуддусга қириб жуда қўпчиликни (60 минга яқин) насронийларни қатлиом қиладди, қами форслар қатл қилган адад билан 90 минга яқин насронийлар ўлдирилади. Жумладан «қатта Қиёмат қанисаси» ва насоролар илохийлаштирган «қочни» қайрон қиладилар. Бироқ, ҳеч қанча вақт ўтмай хижратдан бир йил олдин мил. 621 йилда римликларнинг Визант императори Хироқл бошчилигида Шом ва Қуддусни яна қайтариб олади ва 624 йилларда у ерларга ҳукмини тўлиқ ўтқазга бошлайди, хатто римликлар қаниса учун форслардан қасос олиб, Озорбейжонгача қориб, мажусийликка тегишли бўлган энг қатта «олов ёниб турган» ибодатхонани йўқ қиладди.

Бу воқеъа Маккада Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам пайгамбар бўлиб қелган вақтларда қодир бўлган. Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Римликлар «ахли қитоб» бўлгани учун уларнинг мағлубиятидан ҳафа бўладилар. Чунки форслар оташпараст мажусийлар эди, қитобдин эгалари эмас, эргашадиган пайгамбарлари йўқ эди. Лекин кейинроқ Рим яна қалаба қозонади, ўша вақтда мўминлар ҳурсанд бўлган, Аллох таоло Қуръонда ушбу тарихдаги уруш натижаларини зикр қиладди: «Рим (Шом тарафда) энг қуйи ерда (Қосоний форсларга) енгилди. Ва улар мағлубиятларидан кейин яқинда «қидъо» йилларда (яъни уч йилдан оз бўлмаган ва ўн йилга етмай) қолиб

бўладилар. Амр килиш - (Рим маглубияти) дан олдин ҳам ва (Рим галабаси) дан кейин ҳам Аллохникидир. Ва ўша кунда мўминлар кувонадилар».(Рум: 2-3) Ўша йилларда Байтул Макдис жуда хароб бўлиб кетади, мукаддас шаҳар бўлишига кармай римлик насоролар яхудийлардан интиком олиш учун шаҳарни шундай хор ҳолатда ташлаб қўйган эди.(Абдуллох Маъруф, «ал-Мадхол ила-диросатил масжидил Аксо» китобига қаралсн, 81-83)

Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам пайгамбар бўлиб юборилганидан кейин Аллох таоло у кишига бир неча ибодатларни амр қилади, шулардан энг улуг ибодатлардан бири намоз ибодатидир. Мусулмонлар намозга буюрилганда қибла ўларок Маккадаги даврларидан бошлаб, токи Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам ўзлари мил. 622 йилларда Мадинага хижрат қилгунича ва хаттоки у ерда ҳам қибла Макка тарафга ўзгаргунча ўн олти ойдан кўпроқ Фаластинга - Аксо масжиди тарафга қараб намоз ўқиганлар, ундан кейин эса Маккадаги Каъбага юзланишга амр қилинган.

"ФАЛАСТИН ўтмиш ва келажак" китобидан